

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Чироқчи тумани

2023 йил 16 ноябрь

Чироқчи туманлараро иқтисодий судининг судьяси А.Қодиров раислигида, судья ёрдамчиси А.Чулиевнинг котиблигида, даъвогар вакили Э.Рахимов (ишончнома асосида), жавобгар вакили Ф.Ахматов (ишончнома асосида)лар иштирокида, даъвогар "██████████" масъулияти чекланган жамиятининг, жавобгар ██████████ га нисбатан берган даъво аризаси бўйича ишни Чироқчи туманлараро иқтисодий суди биносида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

даъвогар "██████████" масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда – даъвогар деб юритилади) судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар ██████████ (бундан буён матнда – жавобгар деб юритилади) ҳисобидан 97.104.481 сўм асосий қарздорликни ундиришни сўраган.

Суднинг 2023 йил 6 ноябрдаги ажрими билан ишга низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар сифатида Кўкдала туман Иқтисодиёт ва молия бўлими, Кўкдала туман ғазначилик хизмати бўлими ҳамда 53-ўрта таълим мактаби жалб этилган.

Суд мажлиси муҳокамасида иштирок этган даъвогар вакили жавобгар билан ҳамкорлик шартномалари тузганлигини, шартнома шартига кўра, жавобгарнинг буюртмасига асосан жорий таъмирлаш ишларини бажарганлигини, бажарилган ишларнинг умумий қиймати 97.104.481 сўм бўлганлигини, мазкур бажарилган ишлар жавобгар томонидан ҳисоб-фактура асосида қабул қилиб олинганлигини, қарздорлик солиштирма-далолатнома билан ҳам ўз исботини топишини билдириб, даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлиси муҳокамасида иштирок этган жавобгар вакили даъво талабларини тан олиб, даъвогар томонидан бажарилган ишларга ҳеч қандай эътирози йўқлигини, ишлар даъвогар томонидан тўлиқ бажарилганлигини инобатга олиб, иш бўйича қонуний қарор қабул қилишни сўради.

Суд мажлиси муҳокамаси бошлангунга қадар учинчи шахс 53-ўрта таълим мактаби директори судга ёзма тушунтириш тақдим қилган. Унга бажарилган ишларга ҳеч қандай эътирози йўқлигини ва ишни мактаб вакилининг иштирокисиз кўриш сўралган.

Учинчи шахслар Кўкдала туман Иқтисодиёт ва молия бўлими ҳамда Кўкдала туман Ғазначилик хизмати бўлимлари ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган бўлса-да, суд мажлисига келмади. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда – ИПК деб юритилади)нинг 128, 170-моддасига асосан суд ишни уларнинг вакили иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд ишда иштирок этган тарафлар вакилининг тушунтиришини тинглаб, даъво аризасида келтирилган ҳолатларни иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришни лозим топди.

Иш ҳужжатларига кўра, тарафлар ўртасида 2023 йил 19 августда 8-сонли ҳамкорлик шартномаси тузилган бўлиб, ушбу шартноманинг

1.1-бандига кўра, “Пудратчи” “буюртмачи”нинг буюртмасига ва тузилган лойиҳа смета ҳужжатларига асосан бир қатор туман мактабларининг эски, яроқсиз биноларни бузиш ишларини бажариши ва мактабларда жорий таъмирлаш ишларини олиб бориши, “Буюртмачи” эса бажарилган барча ишларни қабул қилиб олишни ва ҳамда бажарилган жорий таъмирлар ишлари ва бузиш учун қилинган харажатлар тўловини амалга оширишни ўз зиммасига олган.

Ушбу шартноманинг 1.2-бандида шартноманинг умумий суммаси 97.104.481 сўмни ташкил этиши белгиланган.

Шартномалар бўйича мажбуриятларини бажариб даъвогар жавобгарга 2023 йилнинг 28 август бажарилган ишлар учун расмийлаштирилган ҳисоб-фактура билан жами 97.104.481 сўмлик бажарилган ишларни топширган бўлса-да, мазкур бажарилган ишлар қиймати учун жавобгар томонидан тўловлар амалга оширилмасдан келинган.

Тарафлар ўртасида тасдиқланган ҳисоб-фактура ҳамда солиштирма-далолатнома билан ҳам мазкур қарздорлик ўз исботини топган.

Мазкур тан олинган қарздорлик жавобгар томонидан ўз вақтида тўланмаган.

Натижада ушбу низо келиб чиқиб, даъвогар қарздорликни ундиришни сўраб судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Суд даъво талабини асосли деб ҳисоблайди.

Чунки: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 55-моддасига асосан, ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли.

Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинги ўринда – ФК деб юритилади)нинг 8, 234-моддаларига кўра мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Мазкур ҳолатда тарафлар ўртасидаги ушбу низо пудрат шартномасини бажармаганлик оқибатида келиб чиққан.

ФКнинг 631-моддасида, пудрат шартномаси бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

ФКнинг 236-моддасида мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши, 237-моддасида мажбуриятларни бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмаслиги, 333-моддасида эса қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб бериши белгиланган.

Мазкур ҳолатда жавобгар томонидан шартнома шартларига лозим даражада риоя қилинмаган.

Шу сабабли суд, даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга кўра, кичик тадбиркорлик субъектлари амалга оширадиган тадбиркорлик фаолияти доирасида судларга мурожаат қилиш чоғида ушбу банднинг «а» - «г» ва «е» кичик бандларида кўрсатилган белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида давлат божи тўлайди.

ИПКнинг 118-моддасига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда юкланади. Ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарилган тарафга иш бўйича қилинган барча суд харажатларининг ўрни, гарчи бошқа тараф давлат божини тўлашдан озод этилган бўлса ҳам ушбу бошқа тараф ҳисобидан қопланади.

Юқоридагиларга кўра, суд даъво талабини тўлиқ қаноатлантириб, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 97.104.481 сўм асосий қарз, олдиндан тўлаб чиқилган 971.045 сўм давлат божи ва 33.000 сўм почта харажати ундиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 8, 234, 236, 237, 333-631, 666-моддалари ва Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 170, 176-179, 186, 192-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л д и :

Даъво тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар [REDACTED] ҳисобидан даъвогар “ [REDACTED] ” масъулияти чекланган жамияти фойдасига 97.104.481 сўм асосий қарз, олдиндан тўлаб чиқилган 971.045 сўм давлат божи ва 33.000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддатда апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

А.Қодиров